ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 1

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 29.01.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 29.01.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www. philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 29.01.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

SOBIROV ABDULHAY SHUKUROVICH
Globallashuv jarayonlarida o‘zbek tilining tutgan o‘rni 7

FAYZIYEVA XADICHA CHORUYEVNA
Boysun-Sho‘rchi o‘zbek shevalarida
qon-qarindoshlikni bildiruvchi atamalar 11

ШУКУРОВ АБДУЛАХАД АХМАДОВИЧ
Поэтик матнда форс-тожикча
ўзлашмаларнинг қўлланилиши..... 15

SIDDIQOV JAHONGIR NOSURULLOYEVICH
Ichki imkoniyat asosida yasalgan
ergonimlarning lingvistik tadqiqi..... 18

HAQBERDIYEVA SAGINA SHOMUROT QIZI
“O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da berilgan
dizayn terminlari haqida mulohazalar..... 22

XAYDAROVA DILNOZA
Milliy qandolatchilik terminologiyasiga doir..... 25

BOYNAZAROV ISLOM
Development of some philosophical
terminology in uzbek and english languages..... 28

МУНДАРИЖА

ADABIYOTSHUNOSLIK

КУРБОНОВ АБДУМАЛИК
Навоий ижоди бўйича илмий қарашлар
(Айшеҳан Дениз Абикнинг тадқиқоти мисолида)..... 32

DJURABAYEVA ZAMIRA AXMEDOVNA
Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va
faoliyati – ibrat maktabi 35

NIGORA ESANOVNA ERKINOVA
Eshqobil Shukur she’rlarida badiiy san’atlar va
ularda leksik birliklarning qo‘llanish xususiyatlari..... 38

PROFESSOR JABBOR OMONTURDIYEV..... 42

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 1
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ПОЭТИК МАТНДА ФОРС-ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Шукуров Абдулахад Ахмадович,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Туркийзабон ва форсийзабон халқлар қадимдан ҳудудий яқин маконларда истиқомат қилишиб, ўзаро маданий-маърифий ҳамда дўстона алоқада бўлиб келишган. Шунинг учун ҳам тилимизда тирихий жиҳатдан форс-тожикчадан ўзлашган лексик-грамматик воситалар кўплаб учрайди.

Ҳозирги ўзбек тили ҳам тарихан мураккаб ривожланиш ва шаклланиш босқичларини бошидан кечирган, чунончи, манбаларда туркий уруғ, қабила тилларининг кейинчалик ўзбек халқи тилининг эроний тиллар билан алоқаси уч даврий хусусият билан характерланиши кўрсатиб ўтилади. Булар:

1. Туркий уруғ ва қабила тилларининг қадимий эроний қабила, уруғ тиллари билан алоқаси ва қўшилиши (қадимий даврлар).

2. Ўзбек тилининг форс-тожик адабий тили (IX-X,XI - XIV) билан алоқаси.

3. Ўзбек тилининг маҳаллий тожик шевалари ва тожик халқи тили билан алоқаси (қадимдан ҳозиргача)[1].

Ана шунга кўра, ўзбек тили луғат таркибида форс-тожикчадан ўзлашган ҳамда ўз лексик воситасидай тушунилиб кетилган сўз ва иборалар кўплаб учрайди.

Тарихий мавзудаги ўзбек шеърий достонларида форс-тожикчадан ўзлашган кўпгина тарихий, поэтик ва китобий сўзларни учратамиз. Улардан айримларини қуйида кўриб ўтамиз.

Ашк. Форс-тожикчадан ўзлашган бу сўзнинг маъноси кўз ёши демакдир. Ўзбек мумтоз шоирлари бу сўздан фаол фойдаланишган. Навоий асарларида ашк, ашкбор, ашкнок, ашкрез, ашкрезон, ашкрезлиг, ашкфишон каби лексик восита сифатида қўлланган[2].

Бу сўздан ҳозирги ўзбек шоирлари ҳам поэтик мазмунни ифодалаш учун фойдаланади. Масалан, Б. Бойқобиловнинг "Тож маҳал" достонида қаҳрамон руҳий ҳолатини очиш мақсадида қўллайди:

Тунлар шамнинг қошида,
Шамнинг дарди ашкида...

Кўринадики, бу ерда ашк сўзи биринчидан, жарангдор қофияни ташкил этган. Иккинчидан, шамнинг эриб тўкилиш ҳолати кўз ёшга ўхшатилган. Учинчидан, шу асосда қаҳрамоннинг тунлари бедор ўтган оғир, ўйчан, қайғули ҳолатини ифодалашга хизмат қилган.

Бисёр. Форс-тожикчадан ўзлашган бу сўз ЎТИЛда эскирган, китобий белгисида берилган. Бадиий матнда, бу равиш феълга боғланиб келиб, ғоят даражада, кўп даражада, ўта даражада, бениҳоя деган маънони билдиради[3]. Масалан:

Аввалига гангиб қолди бу гапдан Ҳаким,
Эл ичида гарчи бисёр эди. ("**Ҳаким ва ажал")**

Бода. Бу поэтик сўз май, ичкилик, шароб маъносидадир. У поэтик матнда турли кўчма маъноларни ифодалаши мумкин. "Минг бир ёғду" достонида бу сўз жаҳолатда қолганлик, илм-маърифат маъноларини ифодалашга хизмат қилган.

Бу фикрни ифодалашга форс-тожикчадан ўзлашган нола, ғам, алам, ҳасрат ифодаловчи аянчли овоз маъносини беради. Навҳа эса мунгли йиғи маъносидадир. Масалан: Ҳушёр донишманд Элнинг бодага берилганини худди азадордек, нола билан, навҳа билан айтади..("Минг бир ёғду").

Гуфтугў. Бу сўз ҳам форс-тожикчадан ўзлашган, ЎТИЛда эскирган, китобий белгиси остида берилган. Гап, суҳбат, маслаҳат маъноларини беради. Масалан: Руҳсиз гўзал маъюсгина қилди гуфтугў ("Ҳаким ва ажал").

Ганжина. Форс-тожикчадан ўзлашган китобий сўзлар ичида ганж, ганжина сўзлари бўлиб, улар поэтик матнда кенг қўлланиб келган. У хазина, бойлик маъносини беради. Масалан:

[1] Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 79.

[2] Навоий асарлар луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б. 68-69.

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд, - М.: Рус тили, 1981.

Нақшу нигор билан роса берди зеб,
Жондек асради у ганжинасини. (“**Афросиёб**”)

Эътибор берилса, ушбу парчада “ганжина” сўзидан ташқари нақш, нигор, зеб каби поэтик нутққа хос сўзлар ҳам ўрни билан ишлатилган. Улар бирикиб мазмунни гўзал, поэтик ифодалашга хизмат қилган.

Гўша. Форс-тожикчадан ўзлашган бу сўзнинг ЎТИЛда икки ҳил маъноси, яъни, биринчидан, одамлар назаридан узоқ ер, овлоқ жой, бурчак, маъноси ҳамда иккинчидан, фақирона турар жой, бошпана, кулба маънолари изоҳланган.

Тарихий мавзудаги ўзбек шеърий достонларида ҳам бу сўз, ушбу маънода қўлланган. Масалан, Б.Бойқобиловнинг “Афросиёб” достонида қуйидагича ифодаланган:

Фуқаронинг айлаб жигар, бағрин хун,
Боғин хазон этди, гўшасин вайрон.

Бу ерда “гўша” сўзи фуқаро, оддий меҳнаткаш фақир кишилар уйи, демак, камтарона қурилган уй, кулба маъносини беради. Тирикчилик эвазига зўрға тикланган хонадоннинг вайрона этилиши ўқувчида босқинчига нисбатан нафратни уйғотади.

“Тож маҳал” достонида бу сўз уй, хонадон маъносида келади: Обод этиб гўшасин... Баъзан бу сўз диалектал “сас” сўзи билан бирга жарангдор қофия яратишга ҳам хизмат қилади. Масалан:

Кўнглин бир гўшасида,
Қалбин оташ сасида. (“Тож маҳал”)

Душвор. Бу сўз ҳам форс-тожикча бўлиб, қийин, мушкул, оғир маъноларини ифодалайди. “Ганчкорнинг ҳам юмуши душвор” (“Гумбаздаги нур”) деганда худди шу маъно англашилади.
Аммо сўз контекст (мант)да ҳаётдир. Баъзан у турли ўринларда бошқа маънолар ҳам касб этиш мумкин. Масалан, “Ҳаким ва ажал” достонида “Деди: танда бесабаб дард бўлмоғи душвор”, -дейилади. Бу ерда “душвор” сўзи мумкин эмас маъносида келган.

Дом. Форс-тожикчадан ўзлашган бу сўз тузоқ, сиртмоқ, қопқон маъноларини билдиради. Шунингдек, у кўчма маънода кимсани ялинтириш, қўлга тушириш ёки ўз измига солиш мақсадида қилинган ҳийла, найранг, шу мақсадда қўйилган тузоқ, қопқон маъноларида хам келади. Форс -тожикчадан ўзлашган “дам” сўзи ҳам бор. У “дамига тортмоқ” ибораси таркибида қўлланилиб, биринчидан, чуқур ва кучли нафас билан ичига тортмоқ, ютмоқ маъносини, иккинчидан, кўчма маънода ўз таъсирига олмок, ялинтирмоқ каби маъноларни ифодалайди.

Б.Бойқобиловнинг “Афросиёб” достонида бу ибора “домига тортмоқ” шаклида келиб, ҳар иккала (“дам ва дом”) маъно умумлаштирилган:

Домига тортди-ю, мисли ялмоғиз,
Аҳли донишларни қўймади омон.

Сўзнинг бу тарзда ўзгариши бадиий нутқда тез-тез учраб туради. Масалан, форс-тожикчадан ўзлашган “жунбиш” сўзи бор. У жунбишга келмоқ (ёки кирмоқ) ибораси таркибида қўлланади. Бу ибора ҳаракатга келмоқ, тўлқинланмоқ, тебранмоқ, мавж урмоқ, кўчма маънода эса қўзғалмоқ, қайнамоқ, жўш урмоқ маъноларини беради. Худди шу сўз кўпгина поэтик матнларда жунбуш тарзида қўлланилади. масалан: Киши табиатдан кўнглига мос туйғуларни овунтирадиган, жунбушга келтириладиган ҳолат, манзара излаши шундан далолатдир (“Минг бир ёғду”).

Жом. Бу сўз айнан мистоз маъносини, иккинчидан, шароб ичиладиган идиш, қадаҳ маъносини беради. Бадиий матнларда асосан шу иккинчи маънода келади. Масалан, “Тож маҳал” достонида шодлик жоми, ишқ чашмаси иборалари орқали бу маъно яхши ифодаланган. Бу ерда шодлик завқ берувчи ичимликка қиёсланган. Жом, қадаҳ кўтариш ҳам завқ, хурсандчилик ифодасидир. Чашма сўзи ҳам форс-тожикчадан ўзлашган бўлиб, у булоқ маъносидадир. Булоқ доимий қайнаб тургани каби ишқ ҳам ўша қайноқликка ўхшатилган. Масалан:

Шодлик жоми синганди,
Ишқ чашмаси тинганди. (“Тож маҳал”)

Оташ. Бу сўз олов маъносида. Контекс (матн) га кўра турли кўчма маъноларда келиши мумкин. Дилни ёндирадиган, ўртантирадиган ҳароратли ҳис-туйғуда келиши ҳам мумкин. Масалан, “Тож маҳал” достонида “Қўрқмай суву оташдан” дейилган мисра бор. Бу ерда ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмай деган маъно ифодаланган.

Куйидаги парчада эса бу сўз эътиқод билан боғлик равишда сиғинишга хос илоҳий маънода келган:

Топшираман сени, қардошим,
Сўнмас оташ ҳимоясига (“Широқ”).

Оғуш. Бу сўз қучоқ, қўйин маъносидадир. Поэтик матнда бир қатор кўчма маъноларда қўлланади. Қуйидаги парчада ҳам ибора таркибида (“Зафарлар оғушида”) тантанавор, хурсанд ва хушчақчақ кайфият маъносини яхши ифодалаган:

Шундай яшар эди Самарканд,
Зафарларнинг оғушида маст.
(“Гумбаздаги нур”)

Ошён. Бу китобий сўз айнан қуш уяси, ин маъносини ифодалайди. Шунингдек, у яшириниб, жон сақлабқолса бўладиган жой, макон, бошпана; оила, уй-жой, оилавий ҳаёт каби кўчма маъноларда ҳам қўлланади. Масалан: “Бамисоли ошёнига шошган кабутар” ("Ҳаким ва ажал") мисрасида айнан асл маъноси (қуш уяси)да келади. “Тож маҳал ошёнига” (“Тож маҳал”) деганда кўчма маънода-макон тушунчасини ифода этади. “Янги фарзанд шаънига, бахтимиз ошёнига” (“Тож маҳал”) деганда эса ибора таркибида қувонч, бахт топганлик маъносини беради.

Пинҳон. Бу сўз кишининг назаридан яширинган, кўзга кўринмайдиган, яширин деган маънони беради. Поэтик матнда уларнинг турли кўчма маънолари ифода топади. Масалан, “Ошкоралар ичида пинҳон” (“Гумбаздаги нур”) гапида, биринчидан, шеърда тазод санъатини ҳосил этишга хизмат қилган, иккинчидан, кишининг камтарлик камсуханлик феъли туфайли яширин қолиш маъносини иборавий ифода этган**.**

Тарихий мавзудаги ўзбек шеърий достонларида форс-тожикчадан, ўзлашган бундай поэтик, китобий сўзлар кўплаб учрайди. Масалан, осуда, ошёна, орайиш, оҳанграбо, дил, даст, ёсуман, жўмард, девкор, сипор, танҳо, тиғ, заррин, кошона, кушойиш, дурахшон, ком, кас, замин, зард, забун, нигох, наханг, найза, паркант, чунон, шамшир, шоён, ғаним, рўё, роз, расида, сарин, сарсари, суҳан, ситамгар, ситам, сийна, ситора, хун , хоб, хок , шўриш, хумо ва бошқа сўзлар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, тарихий мавзудаги ўзбек шеърий достонларида форс-тожик тилидан ўзлашган поэтик, китобий сўзлар кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан, кўчма маънода қўлланилади, поэтик мазмунни бойитади, шунингдек, бир қатор шеърий санъатлар ҳосил килишда хизмат қилади.

Ўзлашма сўзлар ўзбек адабий тилида ора-чорада жойлашадиган нарса бўлмай, балки ўзлаштирувчи тил томонидан фаол ўзлаштирилган объект мақомига эга бўлган.Ўзлашмалардан холи бўлган бирон-бир тилни топиш амримаҳол[1].

Шундай қилиб, тарихий мавзудаги шеърий достонлар матнида ўзлашган сўзлар муҳим маънавий-услубий восита сифатида қўлланади. Тарихий достонлар лексикаси тадқиқи тегишли давр тилидаги ўз ва ўзлашма қатламнинг қўламини аниқлашга, тилларнинг ўзаро таъсир доирасини белгилашга, уни юзага келтирувчи омилларни кўрсатиб беришга ёрдам беради.

Resume.The article analyses specific feature and peculiar use of Persian-tajik borrowings in the texts uzbek poetic epic poems of historical topics. The borrowings, historical, poetic and boorish words are taken as a source of studies.

Резюме. В статье анализируется своеобразные особенности применение перидско-таджикиских заимствований в текстах узбекских поэтических дастанах по исторической теме. Три анализе за основу взяты исторические, поетические, книжные слова.

[1] Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 28.